

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2022 йил «31» май
69 -сон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи уринбосари

Б.Э. Захидов

“КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИ ЯНГИ ТАҲРИРИ

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки
Акциядорларининг йиллик умумий
йиғилиши томонидан 2022 йил 16 майда

“ТАСДИҚЛАНГАН”

(3/2022-сонли баённома)

Йиғилиш раиси

М.А. Абдусаматов



Тошкент-2022

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (кейинчалик «банк» деб юритилади) акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатувчи кредит ташкилоти ҳисобланади.

2. Банк таъсисчилар йиғилишининг (2000 йил 15 майдаги 1-сонли баённома) қарорига биноан ёпиқ акциядорлик банк шаклида ташкил қилинган. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг (2001 йил 20 декабрдаги 008/1-сонли баённома) қарорига кўра очик турдаги акциядорлик банки шаклида қайта ташкил қилинган.

«Капиталбанк» хусусий очик акциядорлик-тижорат банки ва «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг 2004 йил 21 декабрда бўлиб ўтган биргаликдаги умумий йиғилишининг қарорига биноан «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки «Капиталбанк» очик акциядорлик-тижорат банкига қўшиб олинган.

Топшириш далолатномасига асосан банк «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари (янги таҳрирда) ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

4. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига киради.

5. Банкни ташкил қилиш ва фаолиятидан мақсад - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган банк ва молиявий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек фойда олиш мақсадида юқорида кўрсатилган фаолият билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

6. Банкнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида:

кирилл ёзувида: «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки;

лотин ёзувида: «Kapitalbank» aksiyadorlik tijorat banki;

рус тилида: Акционерный коммерческий банк «Капиталбанк»;

инглиз тилида: Joint stock commercial bank «Kapitalbank».

Банкнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида:

кирилл ёзувида: «Капиталбанк» АТБ;

лотин ёзувида: «Kapitalbank» АТБ;

рус тилида: АКБ «Капиталбанк»;

инглиз тилида: JSCB «Kapitalbank».

7. Банк юридик шахс бўлиб, банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш, бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Банк ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида ўз мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқини бермаган ҳолда ўз филиалларини ва банк хизматлари офиси («минибанк», «чакана хизматлар маркази», «банк хизматлари маркази» ва х.к.) ва бошқа алоҳида бўлимларини

ташкил қилишга ҳақли, банк томонидан уларга тақдим қилинган ваколатлар доирасида уларга ҳуқуқлар бериши мумкин. Банк ўз филиали ёки банк хизматлари офисини очганлик ёки тугатганлик тўғрисида Марказий банкка белгиланган тартибда хабарнома юбориши шарт.

Банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари Кузатув кенгаши қарори асосида ташкил қилинади ва ўз фаолиятларини Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низом асосида амалга оширадилар.

Банк хизматлари офиси («минибанк», «чакана хизматлар маркази», «банк хизматлари маркази» ва х.к.) Бошқарув қарори асосида ташкил қилинади. Банк хизматлари офиси тўғрисидаги низом Бошқарув қарори билан тасдиқланади.

Банкнинг филиаллари, банк хизматлари офиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва ўз номидаги бланкаларга эга.

Банкнинг филиаллари, банк хизматлари офиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари банк номидан фаолият юритадилар. Банк ўз филиаллари, банк хизматлари офиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари фаолияти учун жавобгар бўлади. Филиаллар, банк хизматлари офиси ва бошқа алоҳида бўлинмалар бошқарувчилари банк томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритадилар. Банк номидан ишончнома Банк бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан берилади.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари (кейинги матнларда – «қонун ҳужжатлари»)да белгиланган тартибда мамлакат ташқарисида шўъба банклар ва ваколатхоналар очиши, филиаллар ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этиши мумкин.

Шўъба банклар ҳамда ваколатхоналар улар очиладиган ва (ёки) ташкил этиладиган мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ очилади ва (ёки) филиаллар ташкил этилади.

9. Банк маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида ўзининг барча мол-мулки билан жавобгардир.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақининг тўлиқ тўламаган акциядорлар банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкларнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

10. Банк чекланмаган муддатга таъсис этилган.

11. Банк ўз тимсолига, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи ва тимсоли тасвири туширилган думалоқ муҳрига эга.

Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 7 - уй.

E-mail: info@kapitalbank.uz.

Веб сайт: www.kapitalbank.uz.

II. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

12. Банк ўз фаолиятида қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
 - кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
 - чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
 - жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
 - инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
 - учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
 - учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);
 - қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;
 - аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;
 - қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;
 - ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
 - ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;
 - лизинг бериш;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;
 - молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
 - активлар портфелини бошқариш;
 - электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
 - банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади. Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (кейинчалик «Марказий банк» деб юритилади) рухсатномаси олинганидан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эга.

13. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;
- ўз активларини сотишга;
- чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

- суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

- банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкый ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

- кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

- молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

- банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

- фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

- банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

- фонд ва валюта биржалари;

- кредит бюрolari;

- қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш Уставнинг ушбу банди тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт.

Банкка банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталда) иштирок этиш тақиқланади.

Уставнинг ушбу банди талаблари банклар томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

14. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда «лицензия» деб юритилади) асосида амалга оширади.

15. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари шу жумладан норезидентларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилади ва уларни талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақларида, омонат, муддатли депозит ҳисобварақларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ҳисобварақлари ва мажбурият ҳисобварақларида сақлайди.

Субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта

хизматларига тааллуқли бўлган пул маблағлари омонат (депозит) ҳисобланмайди.

16. Банк ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларни қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда сўмда ёки чет эл валютасида кредитлашни амалга оширади.

Банк томонидан бериладиган кредитлар, қоида тариқасида, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириш мумкин бўлган мол-мулк гарови, шунингдек, кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларни бажаришнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа усуллари билан таъминланади.

Банк бу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг етарлилигини ўз кредит сиёсати, банкнинг бошқа ички ҳужжатлари, Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, фармойишлари, қоида ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги), ушбу Уставнинг 13-бандида кўрсатилмаган ва унинг талабларига мувофиқ бўлмаган акциялари ҳамда улушлари банк томонидан таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Банкка ўз акцияларини гаровга қўйиш эвазига кредит бериш тақиқланади.

Банк ички банк ҳужжатларида ва қонунчиликда белгиланган тартибда таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Уставнинг мазкур банди билан белгиланган талаблар, кафолатлар бериш бўйича банк молиявий амалиётларини таъминотларига ҳам тадбиқ этилади.

17. Банк Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар, қонун ҳужжатлар ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ чет эл валютасида амалиётларни амалга оширишга ҳақлидир.

18. Банк қонун ҳужжатларда назарда тутилган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириши мумкин.

III. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

19. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади ва ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган банк мол-мулкининг энг кам миқдорини белгилайди.

Банкнинг устав капитали миллий валютада шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан куйидаги ҳоллар мустасно:

- банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;
- қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;
- банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Тизимли молиявий инқироз ҳолатида банк акциялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан сотиб олиниши мумкин.

20. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Банкнинг барча акциялари эгаси ёзилган, эмиссион қимматли қоғозлардир.

Банкнинг барча турдаги акциялари 950 (тўққиз юз эллик) сўмни ташкил этадиган номинал қийматга эга.

21. “Банкнинг Устав капитали 407 385 173 100,00 (тўрт юз етти миллиард уч юз саксон беш миллион бир юз етмиш уч минг бир юз) сўмни ташкил қилади ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 388 826 498 (уч юз саксон саккиз миллион саккиз юз йигирма олти минг тўрт юз тўққсон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 40 000 000 (қирк миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар”.

22. “Банк Устав капиталини кўпайтириш мақсадида чиқарилиши эълон қилинган акцияларнинг суммаси 948 346 893 600,00 (тўққиз юз қириқ саккиз миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг олти юз) сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 786 346 889 600,00 (етти юз саксон олти миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз саксон тўққиз минг олти юз) сўм бўлган, 827 733 568,00 (саккиз юз йигирма етти миллион етти юз ўттиз уч минг беш юз олтиш саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 162 000 004 000,00 (бир юз олтиш икки миллиард тўрт минг) сўм бўлган, 170 526 320 (бир юз етмиш миллион беш юз йигирма олти минг уч юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар”.

Банк томонидан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда жойлаштириш нархи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган нархдан кам (паст) бўлмаслиги керак”.

23. Банк акцияларини жойлаштиришда уларнинг ҳақини тўлаш пул маблағлари билан ёки банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларда ва ушбу Уставда ўрнатилган бошқа усулда амалга оширилади. Жойлаштирилган имтиёзли акциянинг номинал қиймати банк устав капиталининг 25 (йигирма беш) фоизидан ошмаслиги керак.

24. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш қонун ҳужжатлар ва мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Банк мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек эълон қилинган акцияларнинг максимал миқдорини белгилаш Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Банк ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акциялар жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Банк устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори чегарасигача кўпайтириш, шунингдек, устав капиталини бундай кўпайтириш ва банкнинг эълон қилган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган банкнинг мазкур Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акциялар ёки имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шунингдек қонун ҳужжатларига асосан жойлаштирилган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар учун қўшимча акцияларнинг жойлаштириш нархи белгиланган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда банкнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин.

Банк томонидан қиймати пул кўринишида тўланадиган акцияларга айирбошланадиган акциялар ва эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилганда - овоз берувчи акциялар эгаси

уларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади.

Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш қонунчиликда белгиланган тартибда, жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банк устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банк устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

26. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

27. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларни кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори банк устав капиталининг Банк мазкур Уставдаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

Устав капиталини камайтириш ҳамда Банк мазкур Уставга тегишли ўзгартиришлар қаритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

28. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ёки уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан ёпиқ обуна ўтказиш имконияти чекланган ҳолатлар бундан мустасно.

Жойлаштирилаётган акцияларнинг сони акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган миқдордан кўп бўлмаслиги лозим.

Банк томонидан қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш икки усулда амалга оширилиши мумкин: очиқ ёки ёпиқ обуна йўли билан. Жойлаштириш усули ҳар бир алоҳида вазиятда Банк кузатув кенгашининг қарори билан эълон қилинган акциялар чегарасида белгиланади.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

29. Банк молиявий операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда мустақилдир.

30. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

омонатлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини, қонун ҳужжатларига асосан банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;

шартнома асосида депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда маблағларни депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларда жойлаштириш;

ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

лицензияда назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни бажариш;

банк операциялари бўйича тўлов миқдорини мустақил белгилаш;

қарзни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли;

лицензияда, қонун ҳужжатлар ва Банкнинг мазкур уставида назарда тутилган, ўз молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

31. Банк қуйидагиларга мажбур:

маблағларни Марказий банкда захирага қўйиш ва белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилиш бўйича Марказий банк томонидан белгиланган талабларни бажариш;

кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун Марказий банк томонидан, ички банк ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

гаров (шу жумладан мол-мулк шаклидаги), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олган ҳолда бериладиган кредитлар таъминланишининг ички тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

банкда Ички аудит департаментига эга бўлишини таъминлаш;

«тенглик» тамойилига риоя қилиш, яъни барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлишдир.

32. Банк ўз мижози ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда омонатларини қонун ҳужжатларда ўрнатилган тартибда сир сақлаш мажбуриятини олади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, мижоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилди.

V. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ

33. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам, банк акциядорлари бўлиши мумкин.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Банкнинг норезидент иштирокчилари, шунингдек, банк акцияларига тўғридан-тўғри ёки бевосита эгаллик қила олмайдиган норезидентларга қўйиладиган талаблар қонунчилик билан ўрнатилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар, банк акцияларига эгаллик қилиш учун қонунчиликда ўрнатилган тартибда Марказий банкнинг тегишли рухсатномасини олишлари шарт.

Банк акциялари эгалари қонунчиликда ўрнатилган тартибда банк устав капиталидаги улушларнинг ўзгарганлиги ҳақида Марказий банккни хабардор қилишлари шарт.

Қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда банк акцияларини сотиб олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилади.

Банк акциялари юқоридаги талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

33.1. Акциядорлар:

банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

белгиланган тартибда банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш. Бу ҳолларда тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини банкка сотиш ёки рад қилиш, ушбу акцияларни чиқариш рисоласида белгиланган тартибда амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланиш ва банк томонидан ҳисобланган дивидендларни тўлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

банк акцияларини олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;

йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлар келишуви тузиш;

қонун ҳужжатлар ва мазур Уставда белгиланган тартибда муайян ахборотлар ва ҳужжатларга руҳсат талаб қилиш;

Банк кузатув кенгашининг, унинг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича, шунингдек банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

33.2. Биргаликда бир фоиздан кам бўлмаган банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар, қонун ҳужжатларида ёки ушбу Уставда белгиланган муддатларда Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига Банкнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолигига, уларнинг умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан масалалар киритишга ҳақли.

Банк акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача банк акцияларига эгаллик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгаллик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги шартларини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт.

Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, банкнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

34. Акциядор қуйидагиларга мажбур:

ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

банк сирини, хизмат, тижорат ва бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ва қонун билан кўрикланадиган бошқа махфий маълумотларни ошкор этмаслик;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

VI. БАНКНИНГ СОФ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ. ДИВИДЕНДЛАР.

35. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга ҳўл қўйилмайди.

36. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек, Банк кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар; Ушбу ҳолатлар тугатилгач, банк акциядорларга ҳисобланган фоизларни тўлаши, Банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт.

агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса; Ушбу ҳолатлар тугатилгач, банк акциядорларга ҳисобланган фоизларни тўлаши, Банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт.

агар банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фондлари суммасидан кам бўлса; Ушбу ҳолатлар тугатилгач, банк акциядорларга ҳисобланган фоизларни тўлаши, Банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт.

қонунда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

Банк қонунда белгиланган ҳолларда, фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак.

37. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар, қонунда ва ушбу Уставда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

38. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мўъносиб равишда тақсимланади.

Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг аксимланмаган фойдасидан тўланади. Агарда банк етарли даромадга эга бўлмаса ёки зарарга шлаётган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг заҳира фонди ҳисобидан ўланиши мумкин.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича тўланади.

Имтиёзли акция бўйича дивидендлар акцияларнинг номинал қийматига нисбатан ҳисобланган максимал йиллик миқдорда куйидаги формула бўйича тўланади – қарор қабул қилиш вақтидаги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси қўшилган йиллик 5% (беш фоиз).

Имтиёзли акциялар бўйича, мазкур Уставда белгиланган миқдорда тўланмаган ёки тўлик тўланмай қолган дивидендлар жамғариб борилади ва кейинчалик тўланади

39. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Банк акциядорларининг реестри, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилади.

40. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмай ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

41. Банк заҳира фондини банк устав капиталининг 15 фоизи миқдорида ташкил этади.

Банкнинг заҳира фонди ушбу Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар банк соф фойдасининг 5% миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

42. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда банкнинг заҳира фонди банк зарарлари орқали қоплаш, банк корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

VII. БАНКНИ БОШҚАРИШ

43. Куйидагилар Банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Банк кузатув кенгаши;

Банк бошқаруви.

Банк кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви ушбу Устав, банк ички ҳужжатлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари ва қонун ҳужжатларда берилган ваколатлар доирасида банк фаолиятига раҳбарлик қилади.

Банк фаолиятини самарали ташкил этиш ва устав капиталига хорижий инвесторларни жалб этиш, Банкни бошқарув органлари, меҳнат жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Корпоратив бошқарув кодекси ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

45. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига куйидагилар кирди:

45.1. мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга ошириладиган, устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори чегарасигача кўпайтириш, шунингдек, устав капиталини бундай кўпайтириш ва банкнинг эълон қилган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган банкнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

45.2. банкни қайта ташкил этиш;

45.3. тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

45.4. Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

45.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

45.6. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

45.7. банкнинг устав капиталини камайтириш;

45.8. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий банкнинг розилиги билан банк томонидан ўз акцияларини сотиб олиш;

45.9. банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

45.10. аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

45.11. Тафтиш комиссиясини ташкил этиш ва тугатиш;

45.12. Акциядорлар умумий йиғилиши, Миноритар акциядорлар қўмитаси, Банк кузатув кенгаши, Банк бошқаруви ва Банк кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида низомларни ва қонун ҳужжатларига асосан Акциядорлар умумий йиғилишининг мулк ваколатига кирувчи банкнинг ички ҳужжатларини, шунингдек, уларга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш;

45.13. банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек, банк фаолиятининг асосий ўнатишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

45.14. қонун ҳужжатлари талаблари ва чекловларини ҳисобга олган ҳолда банк фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

45.15. жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

45.16. банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айвирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

45.17. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

45.18. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, аффилиланган шахслар билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

45.19. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

45.20. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

45.21. бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс айвирбош бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиқ бўлган мол-мулкни банк томонидан олиш ёки унга бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга асосан Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши мумкин бўлган йирик битимлар бўйича қарор қабул қилиш;

45.22. Банк кузатув кенгаши ва Банк бошқарувининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш;

45.23. Банк кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиниши мумкин бўлган банк томонидан хайрия, текин ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш чегараларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

45.24. имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айрибошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

45.25. қонун ҳужжатлар, мазкур Устав, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банкнинг бошқашка ички ҳужжатлар би акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

46. Банкнинг мазкур Уставининг 45-банди 45.2., 45.3., 45.4., 45.5., 45.6., 45.14., 45.18., 45.21. кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (маънавли кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

47. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

48. Банк ҳар йили Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили 27 июнда ўтказилади. Агар белгиланган кун иш куни бўлмаса, унда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жорий йилнинг 27 июндан кейинги биринчи иш кунида ўтказилади.

Зарурат бўлганда, Банк кузатув кенгаши акциядорларни қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини бошқа санада (аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай) ўтказиш ҳолатидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

49. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда акциядорларнинг реестри асосида Корпоратив веб-порталда, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

50. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қилиётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, банкнинг йиллик молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, шунингдек, Банк кузатув кенгаши ва Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг ушбу уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси билан банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

51. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасидан 3 иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

52. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда масалалар киритишга ҳамда Миноритар акциядорлар кўмитаси, Банк кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

53. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби асосида ўтказилади.

54. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

55. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган

ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил олинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган жери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Ўқсмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раъбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг мухри билан (мухр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

56. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтдан, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

57. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибининг масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатга олинган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Банк Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга, ушбу шахс кимосидан улар томонидан тўлдирилган бюллетендан нусха кўчириб олиш имконини беради.

58. Банк кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

59. Санок комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини тасвирлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш шартлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини банкнинг архивига ташкирлади.

60. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан тасдиқланади.

61. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банкда уларнинг орасидан Миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар банкка Банк кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Банк кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд

акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Банк кузатув кенгашига номзодлари тайинмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига Банк бошқаруви раиси, Банк бошқаруви аъзолари, шунингдек Банк кузатув кенгашига сайланган шахслар киритилиши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва Банкнинг ушбу уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорлар қўмитаси 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда сайланади ва овоз сондан ташкил топган бўлиши керак.

Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан унинг аъзолари орасидан кўпчиликнинг овози билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича банкнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралаштишга, миноритар акциядорлар эса ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилишга ва махфий маълумотлар, тижорат ва банк сирларини сақлаб Банкнинг бошқаруви органилари фаолиятига таъминлик қилишга ҳақли эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Банк кузатув кенгашининг ёки Банк бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

62. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан Банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона Корпоратив бошқарувига таъминликни ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг аъзоликлари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек миноритар банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

63. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

63.1. халқаро тажрибани таҳлил қилиш асосида инвестиция, моддий-техник, молиявий

ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва Банк бошқаруви фаолиятига киритилган бошқа масалалар бўйича банкни ривожлантириш стратегиясига қўйиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботларини мунозам равишда эшитиб бориш;

63.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, шунинг ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

63.3. Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш, шу жумладан, Банк кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан қарор маълумотларни тақдим этиш;

63.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойини белгилаш;

63.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

63.6. банкни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, Банкнинг ушбу уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк уставини тасдиқлаш, мажбурий аудиторлик ҳисоби ўтказиш; банкнинг йиллик ҳисоботи, банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, фойда ва зарарлари тақсимлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамисига киритиш;

63.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

63.8. банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда банкнинг келгуси йилга белгиланган бизнес-режаси Банк кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан беш кунгача тасдиқланиши лозим;

63.9. Банк бошқарувини тузиш, Банк бошқаруви раисини сайлаш (тайинлаш), унинг вазифаларини муддатидан илгари тугатиш;

63.10. Банк бошқаруви аъзоларини лавозимига сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг вазифаларини муддатидан илгари тугатиш;

63.11. банкнинг Ички аудит, Хатарларни бошқариш бўйича департаментларини ташкил қилиш ва уларнинг ходимларини ҳамда корпоратив маслаҳатчини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, улар фаолиятини тартибга солишчи низомларни тасдиқлаш;

63.12. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

63.13. банкнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

63.14. банк филиалларини, ваколатхоналарини очиш, ташкил қилиш ва фаолиятини тугатиш;

63.15. шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

63.16. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида банк томонидан мол-мулкни олиш ёхуд эҳтимолий белгиланиши билан боғлиқ бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

63.17. қонунчиликда ўрнатилган тартибда банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларида қатнашиши билан боғлиқ битимлар тузиш;

63.18. корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

63.19. банк билан алоқадор бўлган ёки аффилланган шахслар билан битим тузишга қарор бериш, бундай битим тузиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган ҳоллар бундан мустасно. Кузатув кенгашининг аъзоси банк билан ўзи ўртасида ёки ўзига алоқадор шахс

тўғрисида тузилган ёки тузиладиган битим масаласи кўрилатган Кузатув кенгаши йиғилишида қарор қабул қилинган, Кузатув кенгаши қабул қилмаган қарорга таъсир кўрсатишга уринмаслиги таъминланади;

63.20. банк томонидан корпоратив облигация чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш (бу қарорнинг қўйилган шартлари билан айирбошланадиган корпоратив облигациялар бундан мустасно);

63.21. депозит сертификатлари чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

63.22. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган бозордан ташқари бозорига чиқариш) нархини қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ белгилаш;

63.23. Банк бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини ўрнатиш;

63.24. банкнинг ички ҳужжатларни тасдиқлаш, ва уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиб-тартибини белгилаш, қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ тасдиқлаш тартиб-тартибларининг умумий йиғилишининг ва Банк бошқарувининг ваколатига тааллуқли бўлган ички ҳужжатларни тасдиқлаш бундан мустасно;

63.25. Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Банк бошқаруви ёки унинг топшириғи бўйича масъул шахслардан Банк кузатув кенгаши ваколатига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Банк кузатув кенгаши ваколатига аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

63.26. Бош офис, банк филиаллари ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

63.27. хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам бериш шартлари ва улар ҳақида қарорлар қабул қилиш. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган чегарадан четга чиқмаган ҳолда, бу ҳақда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида барча акциядорларга маълумотларни ошкор этиш шarti билан хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам беришга Банк кузатув кенгашининг қарори асосида йўл қўйилади;

63.28. банк ички ҳужжатларида белгиланган тартибда юзага келувчи Банк ва (ёки) унинг тартиб-тартибий тузилмалари ва (ёки) ходимлари, мижозларининг мулкӣ ва бошқа манфаатлари ҳуқуқларидаги зиддият, бунинг натижасида банк ва (ёки) унинг мижозлари учун ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф қилиш;

63.29. учинчи шахслар томонидан банк фаолияти тўғрисидаги эксперт ҳисоботларини банк веб сайти ёки «Интернет» ахборот телекоммуникация тармоғида жойлаштириш учун тартиб-тартиб розилик бериш;

63.30. Банк устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори доирасида қўйилган шартлари, шунингдек, Банк уставига устав капиталининг бундай қўйилиши билан ва эълон қилинган акцияларнинг тегишли тарзда камайиши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар қилиниши ҳақида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;

63.31. аудиторлик (Мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) текширувини ўтказиш тўғрисида, унинг хизматида тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳақида қарор қабул қилиш;

63.32. стратегик мақсадларни, Корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

63.33. активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши қилинадиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

63.34. манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартиб-тартибини таъминлаш;

63.35. банкнинг молиявий ҳолатини теклаш режаларини тасдиқлаш;

63.36. Банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

63.37. банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

63.38. банкнинг Ички аудит ва Хатарларни бошқариш бўйича департаментларини ташкил этиш, шунингдек банк Ички аудит ва Хатарларни бошқариш бўйича департаментларининг чорақлик ҳисоботлари асосида Банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

63.39. Банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва қарорларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

63.40. банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда амалдан камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

63.41. бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

63.42. йиллик молиявий ҳисоботларни дастлабки тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

63.43. банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан белгиланган нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

63.44. коррупцияни олдини олиш чораларини тасдиқлаш;

63.45. одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

63.46. қонун ҳужжатларда, Банкнинг ушбу Устави, Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги қарорлар ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари билан Банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш. Банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал қилиш Банк бошқарувига топширилиши мумкин эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

64. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари 7 (етти) кишидан иборат таркибда сайланади. Бунда кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

Банк кузатув кенгаши аъзолари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан чексиз қайта сайланиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга сайланадилар.

Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар ишчанлик обрўсига, банк хатарларини самарали бошқариш, ўз ваколатлари доирасида асосланган қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган таъриб, билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона Корпоратив бошқарувига таъминлаши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг қонуний манфаатлари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

Кузатув кенгаш аъзоларидан ўз вазифаларини амалга оширишлари доирасида қўйиладиган талаб этилади:

фаолият юритаётган банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмасини, Кузатув кенгашининг функцияларини билиши, корпоратив бошқарувдаги ўзининг ўрнини англаши, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, банк-молия соҳасидаги, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш борасидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориши;

банк фаолиятида фаол қатнашиши, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги муҳим вазирликларни кузатиб бориши, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда банк манфаатларини таъминлашга қаратилган чораларни ўз вақтида кўриши;

банкнинг корпоратив маданияти ва кадриятлари шаклланишида етакчи ўринни тутиши;

кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари, бошқарув аъзолари ва банк ходимларининг қарашларидан қатъи назар ўзининг асосланган фикрини таъминлаши;

масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилиши ва шартлилик билан хизмат қилиши, банк ва унинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб, қилинган вазифа ва мажбуриятларни виждонан ва оқилона амалга ошириши, ўзининг ёки биринчи шахслар манфаатлари йўлида ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатлардан қочиши, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида дарҳол кенгашга хабар бериши ва уни бартараф этиш мақсади билан чора кўриши;

Кузатув кенгаш ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатларини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этиши;

Кузатув кенгашга аъзолиги чоғида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ва маълумот билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигига риоя этиши.

Куйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш мақсадида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

Банк бошқаруви аъзолари ва Банк бошқаруви раиси, шунингдек, банкда, унинг шўъба ва филиалларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, мазкур мажлислар бошқарув органлари аъзолари Банк кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Кузатув кенгаши аъзоси суд банкка мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган ҳолларда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик қилишнинг эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Банк кузатув кенгаши аъзоси куйидагилар натижасида банкка етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чегиритувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

маълум ҳужжатларида белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

банкка зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу битимларнинг банк билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган ва бошқалар шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

65. Банк кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа берилган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар орасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб қаролади.

66. Банк кузатув кенгашининг раиси Банк кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан Банк кузатув кенгаш таркибидан Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

67. Банк кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, банк номидан Банк кузатув раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади.

Банк кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

68. Банк кузатув кенгашининг мажлиси Банк кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг мажлисида кўра, бир фойздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар,

Банк кузатув кенгаши, Банк бошқаруви аъзолари, Ички аудит департаменти директори, банкнинг ташқи аудити талабига кўра чақирилади.

69. Банк кузатув кенгаши ҳар ой камида бир марта чақирилади.

70. Банк кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк кузатув кенгашига тайинланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банк кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда назарда тутилган миқдорнинг 80 фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк бошқаруви раиснинг қарорлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

71. Банк кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар қуйидаги тартибда қабул қилинади:

- мазкур Уставнинг 63.16., 63.19., 63.30.-кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича Банк кузатув кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим;
- бошқа масалалар бўйича овоз беришда иштирок этаётган Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

Агарда кўрсатилган масалалар юзасидан Банк кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қарор қабул қилиш имкони бўлмаса, Банк кузатув кенгаши ушбу масалаларни банк акциядорларининг умумий йиғилишига киритиши мумкин.

Банк кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

72. Банк кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмий таштирилиши учун жавобгар бўлади.

Банк кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк бошқарувиغا нақд этиш учун топширилади. Банк кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк бошқарувиغا Банк кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма банкнинг корпоратив мажлисдагиси ва/ёки Банк кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан расмий таштирилади ва тасдиқланади.

БАНК БОШҚАРУВИ

73. Банк бошқаруви қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, банкнинг ички ҳужжатлари билан бошқариш ҳаракат қилувчи банкнинг коллегиял ижро этувчи органи бўлиб, фаолият стратегияси ва унинг бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширилади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

Банк бошқаруви қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва банк ички ҳужжатлари билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Банк бошқаруви Банк кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

Банк бошқарув аъзолари Банк кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга тайинланадилар. Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш хорижий менежерлар ҳам иштирок қилиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари ишчанлик обрўсига, банк хатарларини самарали бошқариш, ўз ваколатлари доирасида асосланган қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган тажриба,

ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Банк бошқаруви аъзолари банк манфаатлари йўлида виждонан ва оқилона ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, улар қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя этишлари лозим:

кўнунчилик ҳужжатлари, банк устави ҳамда Акциядорлари умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган стратегия ва сиёсатларни амалга оширишга доир қарорларга риоя этган ҳолда мажбуриятларини ўз ваколатлари доирасида бажариш;

ўзларининг вазифа ва функцияларини амалга ошириши учун ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш;

зарур ва ошқора маълумотни белгиланган муддатларда олиш, улар билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш чора-тадбирларни кўриш ҳамда шахсий малака ва тажрибага таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармасликка оид талабларга риоя этиш;

банк бошқаруви органлари, шу жумладан, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига нисбатан тенглик тамойилига риоя этиш;

бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиш.

Банк бошқаруви аъзоси суд банкка мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган ҳолда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик қилишнинг эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзоси қуйидагилар натижасида банкка етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

челғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

кўнун ҳужжатларида белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

банкка зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу қарордан банк билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган ва бошқарув шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф қилиш.

74. Банк бошқаруви 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Банк бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва Юридик хизмати департаменти директори киради. Банк бошқаруви таркибига шунингдек, Банк кузатув кенгашининг қарорига асосан банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари кириши мумкин.

75. Банк бошқаруви раиси ўз лавозимида Банк кузатув кенгашининг қарори билан тайинланади.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома банк номидан Банк кузатув кенгаши раиси ёки Банк кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш шарти билан уч йил муддатга амал қилади.

Банк бошқаруви раиси билан имзоланадиган шартномада банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва банк Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши асосий дивидендларни тақдим қилиш мажбурияти кўрсатилиши керак.

76. Банк бошқарувининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шунингдек Устав ва банкнинг бошқа ички ички ҳужжатларига биноан Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, банк фаолиятига кундалик раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради.

Банк бошқаруви:

76.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк кузатув кенгашининг қарорларининг амал қилишини ташкил этади;

76.2. банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради, халқаро тажрибани қўлдан чиқариб олиш асосида замонавий Корпоратив бошқарув услубларини жорий этади, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади; банкка хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шартноmalар яратди, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув

шарҳларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини оширишни ташкил қилади, шунингдек, банкнинг раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилади;

76.3. тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши, Банк текшируви раиси ваколатига кирадиган ички ҳужжатлардан ташқари, банкнинг бошқа ички ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

76.4. битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари кийматининг 0,5 фоизидан ўн беш фоизгача ташкил қиладиган қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариш тўғрисида битимларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда Банк бошқаруви баланс кийматидан қатъи назар, бироқ, битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари кийматининг ўн беш фоизидан кўп бўлмаган қийматга эга кучмас мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиш ва тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимлар бўйича қарор қабул қилади;

76.6. банкнинг кундалик фаолиятидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

76.7. Банк ички аудити департаменти текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чоракда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

76.8. ташқи аудит текшируви натижалари ва Марказий банки томонидан ўтказилган текшириш (текширув) ҳисоботларини батафсил таҳлил қилади;

76.9. кредит, инвестиция, эмиссия сиёсатлари, банк ликвидлигини бошқариш сиёсатини амалга ошириш бўйича банкни бошқариш учун сиёсатлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

76.10. стратегик мақсадларни, Корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички ҳужжатлари ва сиёсатларини, шу жумладан, таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туришни амалга оширади;

76.11. банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлайди;

76.12. банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириди;

76.13. банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек, Банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка таъин қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

76.14. банкнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолатларда дарҳол Марказий банкка хабар беради;

76.15. Марказий банкка Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан банкни текшириш тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида дарҳол ёзма шаклда хабар беради;

76.16. банк ташкилий тузилмасининг барча даражаларида ходимлар томонидан банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсат, қоидалар, тартиб-қоидалар, лавозим бўлиқномадари қоидалари ва бошқа маҳаллий норматив ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш қилишнинг самарали тизимини яратади ва ушбу тизимнинг самарадорлигини даврий равишда текшириб боради;

76.17. Банк бошқаруви қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборотни тўғри тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминловчи ишончли ахборот тизимларини яратади;

76.18. банк ходимларини, шу жумладан Бошқарув аъзоларини ва муҳим аҳамиятга эга вазифаларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларни алмаштириш (ротация қилиш) ва бўшатиш, малакасини ошириш, малакали ходимларни сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқади, шунингдек, улар ўз мажбуриятлари, ахлоқий қоидаларни бузилган тақдирда ходимларга таъин қўрилган чоралар кўради;

76.19. банк хизматларини кўрсатиш офисини очади, ташкил қилиш ва фаолиятини таъминлайди;

76.20. банк хизматларини кўрсатиш офисини ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

76.21. қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Банк бошқаруви тўғрисидаги Низом ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган Банк бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилади.

77. Банк бошқаруви мажлиси, агар унда Банк бошқарувининг камида 5 (беш) аъзоси иштирок бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қарорлар Банк бошқаруви мажлисида иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Банк бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Банк бошқаруви аъзоси Банк бошқаруви қарорига қўшилмаган ҳолларда Банк кузатув кенгашига ўз фикри тўғрисида хабар бериши мумкин.

78. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк кузатув кенгаши аъзоларининг талаби бўйича уларга тақдим қилинади.

Банк бошқаруви мажлисини ўтказилишини, банк номидан барча ҳужжатларга ва Банк бошқаруви мажлиси баённомасига имзо чекувчи Банк бошқаруви раиси ташкил қилади, ўз ваколат доирасида Банк бошқаруви қабул қилган қарорлар, ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ банк номидан ишончномасиз иш юритади.

Банкнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда Банк бошқаруви ва Ички аудит департаменти томонидан ўрганилади.

Аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар, шу битимлар уларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърири, қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, аффилиланган шахслар билан битимлар тузишда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар банкнинг йиллик ҳисоботида киради.

79. Банк кузатув кенгаши томонидан Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк бошқаруви раисини тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши мумкин.

80. Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк кузатув кенгаши Банк бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, шунингдек, Банк бошқаруви раиси вазифасини танлаш бўйича хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

81. Банк бошқаруви раиси:

Акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кузатув кенгашининг ва Банк бошқарувининг қарорлари ижросини таъминлайди;

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ушбу Устав, Банк бошқаруви тўғрисидаги Низом, банкнинг бошқа ички ҳужжатларида ва қонун ҳужжатларда белгиланган доираларда мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф қилади;

банк ички ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

банк, унинг филиаллари, ваколатхоналари, банк хизматилари офиси ва бошқа алоҳида бўлинмаларининг штатларини тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида битимлар ва турли ҳаракатлар учун ишончномалар беради;

банкларда банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-рақамлари ва бошқа ҳисоб-рақамларини юритади;

бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилади;

шартномалар ва бошқа битимлар тузади;

битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада ўз ваколати доирасида банк манфаатлари қийматининг 0,5 фоизигача ташкил қиладиган қийматга эга бўлган, мол-мулкни

банкнинг ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ битимларни тузади ва тегилши ваколатли битимларнинг қарорлари асосида бошқа битимларни тузади;

банкнинг ходимларни, шу жумладан, филиал, ваколатхоналар, банк хизматлари офиси ва алоҳида филиаллар раҳбарларини қонунчиликда ҳамда банк ички ҳужжатларида ўрнатилган тартибда қабул қилади ва ишдан бўшатади;

банк ходимларини қонун ҳужжатларида ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантиради, шунингдек, уларни интизомий ва маънавий ҳамда бошқа жавобгарликка тортади;

банк ходимларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва амалдорларнинг қарорлари беради;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кузатув кенгаши фаолиятини ташкилий ва маънавий таъминлашни амалга оширади;

қонун ҳужжатлар, ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ банк фаолиятининг бошқа кундалик масалаларини ҳал қилади.

VIII. БАНК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

82. Банк қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва маънавий/назорат ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Банк молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкин.

Банкда бухгалтерия ҳисоби:

бошқарувга, молияга, солиққа ва назоратга оид ҳисоботнинг ҳамда бошқа ҳисоботларнинг ишончлилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти индикаторлари акс эттирилишини;

банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

Банк акциядорлари ва Кузатув кенгаши томонидан банкнинг молиявий аҳволини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак.

Банк Марказий банкнинг талабига кўра консолидациялашган, даврий, шунингдек бир марталик ҳисоботларни тақдим этади.

Банк Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва бошқа маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда ишончлилиги учун жавобгардир.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисоботларни ҳам тақдим этади.

83. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий/назорат ҳисоботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк бошқарувининг зиммасида бўлади.

84. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши ва қонунчиликнинг бошқа талабларига жавоб бериши керак. (кейинги матнларда – маънавий аудиторлик ташкилоти).

85. Банкнинг йиллик ҳисоботи қонун ҳужжатларда белгиланган муддатдан кечиктирмай Банк кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади. Банк йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилиши шарт.

86. Банкнинг молиявий йил 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

IX. БАНКНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

87. Банкнинг ички аудит департаменти Банк бошқаруви, филиаллари, ваколатхоналари, банкнинг молиявий ҳисоботи оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, банк уставига ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс этирилиши ва тасдиқланганини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек, банкнинг бошқаруви юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва мониторинг олиб бориш орқали Банк бошқаруви, филиаллари, ваколатхоналари, банкнинг молиявий оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди, банкнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ичига олган ҳолда ички назорат ҳолатини текширади (аудит) ва мониторинг қилади, шунингдек, Банк кузатув кенгашига банк операцияларининг самарадорлигини ва ишончилигини ошириш бўйича маслаҳатлар беради.

88. Ички аудит департаменти Банк кузатув кенгаши ва унинг Аудиторлик кўмитаси ҳисобдордир.

89. Банк аудити ҳар йили банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг малака сертификатига эга бўлган, камида иккита аудиторга (шу ҳужжатдан аудиторлик ташкилоти раҳбарига) эга бўлган мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

90. Мустақил аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботи ва молиявий бошқа ҳужжатлар ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида ташкилланган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

91. Банк корпоратив маслаҳатчиси банк томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади. Банк корпоратив маслаҳатчиси Банк кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

X. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

92. Банкни қайта ташкил қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Аудиторларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан, Марказий банк рухсати билан амалга оширилади.

Банкни қайта ташкил қилиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва қайтариш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Қайта ташкил қилишда мазкур Уставга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

93. Банк ўз фаолиятини қуйидаги ҳолларда тугатади:

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўлганда;

Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда;

Банкрот деб эълон қилинганда;

Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тикилган ва рақамланган...

38 (574/2022)
Варақдан иборат

31.01.2022 йили

ИМЗО

